БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 95 (18.273). • Жума, 1982 йил 23 апрель • Баҳоси 3 тийин.



УЛУҒ ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА

МОСКВА

Музаффар Ленин таълимоти дунёни янгилаш рамзи, давримизнинг революцион байроғи бўлиб қолди. Ленин ғоялари, унинг ишчилар синфини ва барча меҳнаткашларни озод қилиш ишига, янги жамиятни барпо этиш ишига астойдил хизмати, доҳий ҳаётининг ўзи — буларнинг ҳаммаси ҳар бир коммунист, ҳар бир совет кишиси учун буюк намуналарга айланди. КПССнинг, партия Марказий Комитетининг, Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг бутун фаолияти Ленин васиятларига садақат руҳи билан суғорилгандир.

Халқимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 112 йиллигини зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган, Совет Иттифоқи барча миллат ва элатлари мустаҳкам жипслашган ва қардошларча бирлашган вазиятда кутиб олмоқда. Бу жўшқинлик шонли юбилейга — ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик туфайли юзага келган. Совет кишилари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, марксизм-ленинизм хазинасидан, бархаёт Ленин асарларидан бардамлик кучини олмоқдалар.

Ленин ғоялари планетадаги миллионлаб кишиларнинг ғоят чуқур эътиқоди ва жонажон иши бўлиб қолди. Ленининг номи жабр-зулм ва эксплуатацияга қарши курашга оташин даъват бўлиб, жаҳоновар бирлик рамзи, социализм ва коммунизм тантанаси учун курашда ғалаба ғарови бўлиб янграмоқда.

22 апрель куни Кремлнинг Съездлар саройида В. И. Ленин туғилган кунининг 112 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди. Бу ерда пойтахт ва Москва области ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда новаторлари, партия ветеранлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, Совет Қуролли Кучларининг жангчилари, космонавтлар йиғилдилар. Чет эллик дипломатлар, ажнабий меҳмонлар ҳозир бўлишган.

Соат 17. Мажлис қатнашчилари **Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Президиумда Чили Компартиясининг Бош секретари Л. Корвалан, Аргентина Компартиясининг Бош секретари А. Фава ҳам бор эдилар.

Президиумда СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР министрлари, КПСС Москва шаҳар ва Москва область комитетларининг секретарлари, Ленин партиясининг ветеранлари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг донгдор меҳнатчилари, таниқли ҳарбий бошлиқлар, олимлар, жамоат ташкилотларининг намояндалари бор эдилар.

Тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари **В. В. Гришин** очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР давлат хавфсизлиги комитетининг раиси **Ю. В. Андропов** «Ленинизм — омма революцион ғайрати ва ижодкорлигининг битмас-туганмас манбаи» мавзуида доклад қилди.

Доклад зўр эътибор бериб тингланди ва давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди.

Кремлдаги Съездлар саройининг гумбазлари остида Совет Иттифоқи гимни тантанавор янграйди.

Сўнгра катта байрам концерти қўйиб берилди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун совет халқи билан биргаликда Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 112 йиллигини байрамона нишонладилар. Геннал революционер ва мутафаккир, Коммунистик партия ва жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси В. И. Ленининг номи ва иши миллионлаб оддий кишиларнинг қалбларида яшамоқда. Республика шаҳарлари ва қишлоқларининг аҳолиси шу шонли санани СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик шарафига зарблор вахтада туриб, янги-янги ютуқлар билан нишонладилар. Улар саноат корхоналари ва қурилишларидаги, колхозлар ва совхозлардаги фидокорона меҳнати билан улуғ Ленин, Коммунистик партия ишига астойдил содиқ эканликларини исботламоқдалар.

22 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилиш шонли санага бағишланди.

В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида йиғилган меҳнаткашлар вакиллари халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, тинчлик иши учун толмас курашчи, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров «Ленин йўлидан янги зафарлар сари» мавзуида доклад қилди.

Докладда таъкидлаб ўтилганидек, планетадаги кўпгина давлатлар бугунги кунда Ленин ғоялари байроғи остида янги ҳаётни барпо этмоқдалар. Ўзбекистон ССРнинг экономикаси ва маданияти равнақ топганлиги революция йўлбошчиси тарихий башоратининг яққол далили бўлиб қолди. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида ленинча миллий сиёсат муваффақиятли равишда амалга оширилганлиги, рус халқи ва мамлакатдаги бошқа халқларнинг бегараз ёрдами туфайли Ўзбекистон қудратли индустрияга, юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалигига, илғор илм-фан ва ўзига хос маданиятга эга бўлган республикага айланди.

Республика жамоатчилиги Ленин таваллудининг бу йилги санасини Ўзбекистонга Ленин ордени топширилганлиги, Ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқлари туфайли меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик ғоят жўш урган бир вазиятда кутиб олди. Ишлаб чиқариш коллективлари Леонид Ильичнинг республика халқ хўжалигини яна ривожлантиришга оид кўрсатмалари ва тавсияларини парафа билан адо этишга ҳаракат қилмоқдалар. Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам халқ бахт-саодати тўғрисида, Ватан қудратини ошириш ва ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилаётганликлари учун партия билан ҳукуматга астойдил миннатдорчилик изҳор этадилар. Улар Ленин ишига, коммунизм идеалларига содиқ эканликларини Бутииттифоқ коммунистик шанбаликда яна бир бор исботладилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ижодкорлик вазиятида, ягона интернационал оила бўлиб КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини, Ильичнинг улуғ васиятларини амалга ошириш соҳасида сабот-матонат билан ишламоқдалар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Гренов, М. М. Мусахонов, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. М. Маҳмудова, Л. М. Мелкумов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ДОҲИЙГА АТАЛГАН ГУЛЛАР

Совет кишилари Ленининг ўлмас ғояларига содиқ бўлайлик, деган шиор остида яшамоқдалар ва ҳамиша ана шу шиорга содиқ бўлиб яшайдилар. Уларнинг жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленинга меҳр-муҳаббатлари чексиздир. Бутун тараққийпарвар инсоният Ленин туғилган кунининг 112 йиллигини кенг нишонламоқда.

22 апрель куни Ўзбекистон пойтахтининг минглаб аҳолиси шаҳарнинг Ленин номидаги бош майдонига келдилар.

В. И. Ленининг улуғвор ҳайкали пойига ранг-баранг баҳор гулларидан гулдасталар қўйилади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советидан, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгашидан, Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетидан, Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетидан, шаҳардаги корхоналар, қурилишлар, муассасалар ва ўқув юртлари коллективларидан гуллар қўйилди.

В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйиш тантанали маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлари ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

«КОСМОС-1352» УЧИРИЛДИ

1982 йил 21 апрелда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1352» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишлаб турибди.

(ТАСС).

ИЛЬИЧГА ҲАЙКАЛ ҚЎЙИЛДИ

22 апрель куни В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида кўп кишилик митинг бўлиб ўтди. Корпуслар олдидаги майдонда В. И. Ленин ҳайкали тантанали вазиятда очилди. Жаҳон пролетариати йўлбошчисининг улуғвор фигураси гранит постаментда қад кўтариб турибди. Ильич ҳайкалини бирлашма меҳнаткашларининг ўзлари яратдилар — ҳар бир киши учун азиз бўлган сиймо ҳайкалини тайёрлаш энг яхши самолётсозларга ишониб топширилди.

Сўзга чиққан нотиқлар Ўзбекистон меҳнаткашлари улуғ Ленин кўрсатган йўлдан бориб экономика ва маданиятни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришганликлари, фан-техника тараққиётининг илғор марраларига чиқиб олганликлари ҳақида гапирдилар. Меҳнат ветеранлари ҳам, комсомоллар ҳам Ленин ишига, у тузган Коммунистик партияга чексиз содиқ эканликларини, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада янгидан-янги меҳнат зафарларига эришиш билан Ленин васиятларига содиқ эканликларини тасдиқлашга астойдил интилаётганликларини айтдилар. (ЎзТАГ).

* * *

ҒУЗОР («Совет Ўзбекистони» мухбири). Шаҳар марказида доҳий туғилган кун арафасида В. И. Ленин ҳайкали очилди. Шунга бағишланган митингда В. И. Ленининг грампластинкада ёзилган овози янгради. Меҳнаткашлар вакиллари партия, совет, комсомол ветеранлари, пионер ва ўқувчилар доҳий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Югославия Коммунистлар союзи Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Югославия Социалистик Федератив Республикаси милий мудофаа иттифоқ секретари армия генерали Н. Любичич 22 апрель куни жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди. Парадлар қиёбонидаги Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди.

Н. Любичич Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони — генерал-полковник Ю. П. Максимов, ЮСФРнинг СССРдаги элчиси М. Орландич унга ҳамроҳлик қилмоқдалар. (ЎзТАГ).

ЛЕНИНИЗМ—ОММА РЕВОЛЮЦИОН ҒАЙРАТИ ВА ИЖОДКОРЛИГИНИНГ БИТМАС-ТУГАНМАС МАНБАИ

В. И. Ленин туғилган кунининг 112 йиллигига бағишланиб Москвада ўтказилган тантанали мажлисда ўртоқ Ю. В. АНДРОПОВ доклади

Ўртоқлар!

Революционер ва мутафаккир Ленининг улуғ сиймоси, унинг ғоялари ва ишлари инсоният тақдирида кескин бурилиш ясади. Ленин раҳнамолигида Улуғ Октябрнинг ғалабаси тарихий даврнинг ягона оқимини бўлиб ташлагандек бўлди. Бир қутбда келажакка интилувчи озод меҳнат дунёси вужудга келиб, гуркираб ривож топмоқда. Иккинчи қутбда ўтмишда колиб кетаётган эксплуатация ва зулм дунёси сакланиб колди ва ҳали ҳам сакланиб турибди. Мана шу икки дунёнинг бирга яшаши ва ўзаро кураши XX асрда инсон жамияти социал ва сиёсий тараққиётининг энг салмоқли ва чуқур фактидир.

Мана шу жўшқин воқеалар планетамизнинг социал қиёфасини тубдан ўзгартириб юборди. Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи социализмнинг енгилмас метин маскани айланди. Социалистик давлатлар ҳамдўстлиги ўсиб, мустаҳкамланмоқда. Бир вақтлар қудратли бўлган мустамлакачи империялар абадий яксон бўлди. Уларнинг ўрнида озодликка чиқган давлатлар пайдо бўлиб, кўпчилиги социалистик ривожланиш йўлини танлаб олмоқда. Капитализмнинг асосий марказларидаги вазият иктисодий ва социал-сиёсий жиҳатлардан беқарорлигича колмоқда. Ишчи ва коммунистик ҳаракатнинг кисви остида чекинаётган буржуазия аҳволни изга солиб олиш учун ўтказаётган ислоҳотлар кутилган натижаларни бермади. Социализм ва озодлик ғоялари барча қитъаларда чуқур томир ёйиб, қудратли оммавий ҳаракатларга таянмоқда.

Янги, коммунистик цивилизациянинг тантанасини яқинлаштираётган мана шу ҳамма силжишлар Владимир Ильич Ленининг номи, ишлари, ғоявий мероси билан чамбарчас боғланган. Ленинизм жаҳон пролетариатининг эски дунёга қарши курашаётган ва янги дунё барпо этаётган барча кучларнинг голибона қуроли бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва шундай бўлиб колаверади.

Умуман марксизм-ленинизм қаёқ Ленин таълимоти ҳам — фандир. Ҳар қандай фан каби у ҳам тўғруликни билмайди. Ленинизм — дунёни революцион янгилаш назариясидир. Энг асосий принципларнинг практикала кўп марталаб синаб кўрилган системасига, материалистик диалектикага таянувчи бу таълимот яшамоқда ва ривожланмоқда янги-янги жараёнлар ва ҳодисаларни, тарихнинг янги бурилишларини акс эттирмоқда.

Ленинизм мангу навқиронлигининг сири шундаки, Ленин таълимоти, унинг принциплари, унинг идеаллари миллион-миллион оммага азиз ва тушунарлидир, одамларнинг ҳар бир авлоди ундан ўзларини тўлқинлантирувчи саволларга равшан жавоблар топади. Ленинизм инсониятнинг келажак йўлини ёритиб турибди, бутун Ер юзи халқларига тинчлик ва тараққиёт бахш этмоқда.

Ленинизмнинг битмас-туганмас ҳаётий кучи — мана шундадир. Бебаҳо Ленин меросини асраб, доимо бойитиб келаётган партиямизнинг кучи — мана шундадир.

Биз Ленин туғилган кунининг 112 йиллигини нишонлар эканмиз, партиямизнинг, давлатимизнинг асосчисига миннатдорчилик ва ҳурматимизни бажо келтирамиз. Шу куни биз ўз режаларимизни, ўз сиёсатимизни Ленин йўл-йўриқларига қайта-қайта солиштириб чиқамиз. Биз тамомила ҳақли равишда айта оламизки: Совет Иттифоқи Коммунистик партияси улуғ Ленин ишига содиқдир, марксизм-ленинизмга содиқдир. Ўзининг жонажон партияси, унинг атоқли ленинчи Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашган совет халқи коммунистик қурилиш йўлидан комил ишонч билан олға бормоқда.

I. «Жонли, ижодий социализм—халқ оммасининг ўзи яратган социализмдир» *(В. И. ЛЕНИН)*

Ўртоқлар! Ленин ўз вақтида тарих ҳар бир қадам қўйгани сайин социал-сиёсий вазиятда ва жонли назария бўлмиш марксизмнинг амалий вазифаларида ҳар бир катта ўзгариш юз берган сайин, унинг турли жиҳатлари биринчи ўринга чиқиб бораверади, деб таъкидлаган эди. Ленинизм хусусида ҳам тўла асос билан шу фикрни айтиш мумкин. Бугун биз Ленининг дунёни революцион тарзда ўзгартиришда халқнинг ҳал қилувчи роли тўғрисидаги фикрларига, Ленининг социализм — оммаминг онгли ижоди эканлиги тўғрисидаги ғоясига алоҳида эътибор билан мурожаат этамиз.

Омма билан чамбарчас алоқадорлик — Ленинга хос фазилатдир. «Таклир Ленини қаёққа юбормасин. Ленин қаерда бўлмасин ва нималар билан шуғулланмасин у халқ билан минг хил воситалар орқали боғланиб ишлар эди, — деди Л. И. Брежнев. — Ишчилар ва деҳқонлар билан, солдатлар билан, фан ва маданият арбоблари билан учрашиб, суҳбатлар ўтказиб туриш Ленин учун узвий зарурат бўлиб колган эди. Бу сиёсатчининг ўз хулосаларини омма тажрибаси билан таққослаб кўриш, кенг якўёловчи хулосаларни, кўринишда гўё жузъий бўлиб туюлган ҳолларга, революция қилаётган ва социализм қураётган кишиларнинг шахсий тақдирига солиштириб, текшириб кўриш эҳтиёжига айланган эди».

Оммани тажрибасига зўр эътибор, унинг битмас-туганмас ижодий имкониятларига ишонч, унинг фикр-ўйларини, манфаатларини аниқ равшан сиёсий шиорлар ва ҳаракат программалари тарзида ифодалаб бера олиш маҳорати ленинизмнинг бутун тарихига сингиб кетган.

Келинглар, Совет ҳокимияти Ленин раҳбарлигида ўзининг дастлабки қаламларини қўйган ажойиб даврни эсга олайлик. Бизга қийин бўлган эди, десак жуда озлик қилади. Ленин ва ленинчилар ўз олдиларига қўйган вазифалар, одатдаги мезонларга кўра, «соғлом фикр» деб аталган фикр нуқтаи назаридан мутлако рўёбга чиқмайдиган вазифалар бўлиб туюлган эди. Шунга қарамай, биз ғалаба қилдик.

Бу ғалабани ўшанда кўпинча «мўъжиза» деб атар эдилар. Аммо бунда «мўъжиза» йўқ эди, албатта. Сергак, реалистик фикрловчи заковат эгаси бўлмиш Ленин буни ҳаммадан яхшироқ тушунар эди. Чирик, уруш сабабли заифлашган, ўз умрини яшаб бўлган помешчик-буржуа тузуми мавжуд эди. Советлар мамлакати ташқи душманларининг жипслашувига ҳалақит берган жуда ўткир жаҳон зиддиятлари мавжуд эди. Ленин барпо этган, жипслашган, синфий курашларда чиниққан, Россия пролетариатининг сиёсий авангарди бўлган большевиклар партияси мавжуд эди. Шу авангарднинг ишчилар синфи ва деҳқонлар билан алоқаси мустаҳкам эди, халқ оммаси уни қўллаб-қувватлар эди. Россия меҳнаткашлари партияга ишондилар, Ленинга ишондилар ва курашга отландилар. Революция ғалаба қилди.

Шу тарика, социалистик солнома бошланиши биланоқ партия билан халқнинг бирлиги вужудга кела бошлади, бу бирлик янги жамиятнинг қудратли бунёдкор кучи бўлиб колди. Бу бирликнинг объектив табиати бор, чунки Ленин партиясининг мақсадлари, программаси меҳнаткаш халқнинг туб манфаатларини тўла-тўкис ифодалайди. Шу билан бирга бу бирлик — фақат халқгина чинакам халқ иштимоий тузумининг ижодкори бўлиши мумкинлигига амин бўлган коммунистларнинг онгли, собитқадам иши натижасидир.

Ленин шу фикрни тинимсиз такрорлар эди. «Социализм», — деган эди у, — юқоридан берилган кўрсатмаларга мувофиқ вужудга келтирилмайди. Расмий бюрократик автоматизм социализм руҳига ётдир: Жонли, ижодий социализм халқ оммасининг ўзи яратган социализмдир». Шу боисдан ҳам партиямиз меҳнаткаш халқнинг онглилигини, сиёсий маданиятини ошириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилишни ўзининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. Биз бу вазифани нақадар яхшироқ уддаласак, оммамизнинг тарихий ижодиёти оқими шу қадар азим дарёдек жўшиб бораверади.

Совет жамиятининг бутун тараққиёти, унинг кечаги ва бугунги куни меҳнат аҳлининг озод этилган ташаббуси нималарга қодирлигини очиқ-равшан кўрсатиб турибди. У неча асрларнинг вазифасини бир неча ўн йилдаёқ рўёбга чиқарди. Ана шу ўн йилликларнинг якунлари эндиликда бутун жаҳон аҳлининг кўз ўнгида яққол намоён бўлиб турибди. Бу якунлар — бизнинг Совет ҳокимиятимиздир, халқ томонидан ва халқ манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ҳокимиятдир. Бу якунлар — эркин меҳнат туфайли юзага келган ҳамда ҳамманинг ва ҳар бир кишининг фаровонлигига хизмат қилаётган социалистик экономикадир.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР составида Навоий области ташкил этилганлиги муносабати билан Навоий области бўйича ташкилот бюросини тасдиқлади.

Ташкилот бюроси раиси қилиб ўртоқ В. П. Есин, раис ўринбосари қилиб ўртоқ И. Жабборов, ташкилот бюроси аъзолари қилиб У. Асатов, В. А. Коваленко, Х. Худойқулов, Я. А. Султонов, А. Н. Ананишев, А. А. Петров, Н. В. Духанов ўртоқлар тасдиқланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ М. ҚАЮМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика кино санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Кинематографячилар союзи раҳбарлигининг биринчи секретари ўртоқ Малик Қаюмов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
И. УСМОНХЎЖАЕВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 21 апрель.

ЛЕНИНИЗМ—ОММА РЕВОЛЮЦИОН ҒАЙРАТИ ВА ИЖОДКОРЛИГИНИНГ БИТМАС-ТУГАНМАС МАНБАИ

(Боши биринчи бетда).

Бу якунлар — барча миллат ва элатларнинг биз 60 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидаги буюк бирлашувидир. Бу якунлар — жамиятимизда социалистик идеологиянинг тантана қилганлигидир.

Экономика — совет халқи фаолиятининг асосий соҳасидир. Шу сабабли омманинг онгли ижодкорлиги, унинг ташаббускорлиги, ижодкорлиги виждонан ишлаш иштиёқи ва маҳорати айниқ шу соҳада жуда салмоқлидир. Зеро, барча планларимиз ва программаларимизнинг конкрет ишлаб чиқариш коллективи, иш жойи қўламида бажарилиши ҳар бир меҳнатчининг масъулиятига, активлигига, ўз касб-корини яхши билишига боғлиқ эканлиги дарҳол равшан бўлиб қолади.

Бизнинг ҳозир қандай яшашимиз, келажакда қандай яшайдиган бўлишимиз, пировард натижада, Тюмень нефть казиб чиқарувчилари, БАМдаги тунель қурувчилар ва из ётқизувчилар, «Атоммаш»да бўлажак атом электр станцияларининг қудратли юрагини барпо этаётганлар, бу йилги ҳосилни етиштириш учун баҳори ерга бугдой ва чигитни ихлос билан экаётганларнинг, фарзандларимизга таълим бераётган ва инсон сиҳат-саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилаётганларнинг нақадар самарали ишлаши билан белгиланади. Совет кишилари турли участкаларда, турли, баъзан ҳатто жуда оғир шароитларда ишламоқдалар. Аммо уларнинг ҳаммалари бир мақсад йўлида бунёдкорлик меҳнатининг умумий иши йўлида бирлашганлар.

КПСС XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини амалга ошириш учун бошланган умумхалқ қураши, самарадорлик ва сифатни ошириш учун, экономикани тежамли қилиш учун ўтказилаётган ва кенг қулоч ёзган социалистик мусобақа — партиянинг вазифалари, совет кишиларининг жонажон иши бўлиб қолганини кўрсатувчи конкрет равшан далиллардир.

Шу пайтгача беш йиллигининг чорак қисми ўтди. Бу — оз муддат эмас. Шу вақт ичида бирталай иш қилинди. Саноат ишлаб чиқаришини ўстириш таъминланди. Меҳнат унумдорлиги кўтарилди. Съезд белгилагандек, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш тезроқ кўпайди. Белгиланган социал тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ўз мамлакатининг хўжайини бўлган совет кишиси ҳамма нарсага талабчанлик билан қарайди, мавжуд проблемаларни биз фақат ўз куч-ғайратларимиз билангина ҳал этишимиз мумкинлигини тушунади. Бу ғап, аввало, қишлоқ хўжалигининг қолоқлигини бартараф этишга, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол қилинадиган саноат моллари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва уларнинг сифатини оширишга, манғий ҳизматни ривожлантиришга тааллуқлидир. Бу вазифалар ҳал этилмоқда ва албатта ҳал этилади.

Оммaнинг тарихий ижодкорлиги экономика соҳаси билан чекланмайди, албатта. Бу ижодкорлик ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олади. Тузумимизнинг туб сиёсий фазилати, унга бенизон хос бўлган демократизм мана шунда яққол намоён бўлади. Совет кишилари социалистик қурилиш муваффақиятлари билан демократиянинг чуқурлаштиришнинг узвий равишда бир-бирига боғлиқлигига ўз турмушлари мисолида ишонч ҳосил қилмоқдалар. Ривожланган социализм жамияти доимо ривожланиб боруви халқ ҳокимияти жамияти бўлиб қолаётганлиги мутлақо қонуниятли бир ҳолдир.

Бизнинг революциямиз Совет ҳокимияти орқали миллион-миллион кишиларни давлат қурилишида актив қатнашишга жалб этди, деган эди Ленин, Советлар — энг кенг оммaнинг ижодий ташаббусини тўплаш, кучайтириш, умумий фаровонликка хизмат қилдиришнинг, ҳар бир масалани ҳал этишда кўпдан-кўп фикрлар ва таклифларни эътиборга олишнинг ҳеч нарса билан қиёс қилиб бўлмайдиган имкониятини очадиган сиёсий ташкилот формасидир. Бу — совет жамияти барча синфлари ва социал группаларининг, миллатлари ва элатларининг, барча авлодларининг манфаатларига жуда аниқ ва тўла-тўкис жавоб берадиган қарорлар қабул этилиши ғаровидир.

Маълумки, давлатни идора қилишда оммани қатнаштириш масаласи, социалистик демократия масалалари хусусида жаҳон майдонида ўткир ғоявий-сиёсий кураш давом этмоқда. Кейинги вақтларда, масалан, ғўё демократиянинг ажралмас белгиси бўлмиш «плюрализм» тўғрисидаги тезис зўр бериб таклорланмоқда. Хўш, бунга қандай тушунмоқ керак?

Башарти, жамиятда бир бирига мос келмайдиган турлича нуқтаи назарлар ва манфаатлар борлиги тўғрисида ғап бораётган бўлса, бундай ҳодисалар бўлмаган жамиятнинг ўзи йўқ. Бу нарса капитализмга ҳам, социализмга ҳам тааллуқлидир. Аммо муҳим фарқ шундан иборатки, капитализм шароитида манфаатларнинг турлича эканлиги синфий антагонизм тусини олади. Сиёсий планда бу антагонизм бир-бирига зид сиёсий маслакдаги турли партияларнинг мавжудлигида ўз ифоласини топади. Бундай партияларнинг мавжудлиги, кураши — ҳақиқатан ҳам демократия белгисидир, бироқ, бу — меҳнаткашлар оммаси учун чинакам озодликни асло билдирмайдиган расмий, буржуа демократиясининг белгисидир.

Социалистик жамиятда ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулк эмаслиги, эксплуататор синфларнинг йўқлиги сабабли турли социал группалар манфаатларининг бир-бирига мос келмаслиги антагонизмга етиб бормайди. Янги жамиятда социализмга душман бўлган сиёсий партияларнинг вужудга келиши учун замин йўқ. Турли манфаатларни эътиборга олиш, таққослаш, бир-бирига мувофиқлаштириш масаласига келганда, бу соҳада тарихий анъаналарга, конкрет вазиятларга қараб ҳар хил механизмлар амал қилиши мумкин.

Бизнинг мамлакатимизда ва бир партияли сиёсий системалар мавжуд бўлган бошқа мамлакатларда ў ёки бу социал группанинг манфаатларини ҳисобга олиш ва унинг манфаатларини бутун халқнинг умумий манфаатлари билан мувофиқлаштириш бир партия доирасида, бутун халқ сайлаб қўйган ҳокимият органлари орқали, касаба союзлари орқали ва кенг тармоқли ижтимоий ташкилотлар системаси орқали амалга оширилади. Бир неча партия мавжуд бўлган социалистик мамлакатларда эса шу партиялардан ҳар бири ўзига хос манфаатлари билан ўз социал таянчига эгадир. Аммо уларнинг ҳаммаси социализм позицияларида туриши принципиал жиҳатдан муҳимдир.

Бироқ, мана шу ҳолат ғарбдаги «плюрализм» тарғиботчиларининг дилига ёқмайди. Улар Совет Иттифоқида ва бошқа социалистик мамлакатларда, ҳатто сунъий равишда бўлса ҳам, социализмга ташқилий оппозиция вужудга келтирилишига эришишга уринмоқдалар. Тузумимизнинг душманлари шуни хохлаётганликлари равшан. Аммо совет кишилари бу фикрга эътиқод қўшила олмайдилар. Шу сабабли улар ўзларини турли-туман муртадлардан ҳам, шунингдек уларнинг хориждаги хомийларидан ҳам ҳимоя қила оладилар. Хуллас, биз коммунистлар демократияни социализмнинг зарарига эмас, балки социализм манфаатларига хизмат қиладиган тарада ривожлантириш тарафдорямиз.

Биз оммaнинг жамиятни ва давлатни идора қилишда тобора кенг миқёсда қатнашишини, жамият билан шахснинг асосий манфаатлари уйғун равишда бирга қўшилаётганини, совет кишиларининг муддаолари, уларнинг асосан бир-бирига мос бўлиб тушадиган ва шу билан бирга жуда индивидуал бўлган манфаатлари сезгирлик билан, холисона ва эътибор билан ҳисобга олинаётганини социалистик демократиянинг кун сайин намоён бўлиши деб биламиз. Партиянинг ҳар бир киши олдига йўл топиш тўғрисидаги талаби мана шу «ҳар бир киши» шахс сифатида эриб кетмаслиги, унинг овози, унинг фикрига қулоқ солиниши ва у ҳисобга олиниши тўғрисидаги ғамхўрликни жуда яхши акс эттиради.

Оммaнинг меҳнат ғайрати, социал-сиёсий активлиги, совет кишиларининг талаб ва эҳтиёжларига, фикрларига эътибор билан қараш кўп жиҳатдан ҳар бир коллективнинг, умуман жамиятнинг маънавий-сиёсий муҳитини белгилаб беради. Бу муҳит истисносиз ҳамма поғоналардаги партия, давлат, хўжалик органлари қандай ишлаётганлиги билан ҳам белгиланади, албатта. Бир вақтлар бу соҳада ленинча нормалардан чекиниш сабабли мураккаб масалалар бўлганлиги маълум. Партиямиз Марказий Комитет раҳбарлигида бу ҳолатнинг салбий оқибатларини бартараф этди. Биз бу ишни қилдик, оғир тарихий тажрибадан зарур сабоқларни чиқариб олдик.

Ҳозир жамиятимизда қарор топган сиёсий вазият, совет кишилари яшаб ва ишлаб турган бутун муҳит ривожланган социализм нормалари ва принципларига мос келадиган соғлом муҳитдир. Аммо бу ғапдан энди бизда изчиллик ва қатъият билан курашиш лозим бўлган камчилик ва муаммолар, ҳодисалар йўқ, деган хулоса келиб чиқмайди.

Масалан, талон-торож қилиш, порахўрлик, бюрократизм, инсонга ҳурматсизлик билан қараш фактлари ва социализмга зид бўлган бошқа ҳолатлар совет кишиларини ҳақли равишда ғазаблантирмоқда. Бу иллатлар бугунги кунга ўтмишдан ўтдими ёки бизга чет эллардан келтирилаяптими ва ривожланишимизнинг у ёки бу нуқсонлари заминида яшаб турибдими? Бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Модомики, шундай ҳодисалар бор экан, улар бизга ҳалақит бераётган экан, уларга қарши курашиш — ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир гражданнинг бурчидир. Бу иллатларни таг-туби билан тугатиш соҳасида партия кўраётган чораларни совет кишилари тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар.

Ўртоқлар! Ҳали ҳеч ким қадам қўймаган йўллан бориш осон эмас. Бу йўлдаги кўп нарсани олдиндан пайқаб, чамалаб бўлмайди. Комил ишонч билан олға ҳаракат қилмоқ учун объектив равишда етилган проблемаларни ҳал этишдаги дадиллик ва эпчилликни шу дамгача эришилган ютуқларни аниқ, қатъий илмий баҳолаш билан қўшиб олиб бориш. Ўз кучлари ва имкониятларини камайтиришга ҳам, бўрттириб кўрсатишга ҳам йўл қўймаслик муҳим, деб таълим беради партия. «Биз, марксистлар.... — деган эди Ленин, — сиёсатимизга асос бўлган фактларни илмий жиҳатдан ўрганиб чикиш учун бутун кучимизни билан интилишимиз лозим».

Айни мана шундай ёндашув партиямиз билан халқимизга йигирманчи асрнинг сўнгги ўн йилликларида совет жамияти олдида пайдо бўлаётган вазифаларни ҳал этишга имкон бермоқда. Бу вазифалар комплекс тарзда олинганда уларни ривожланган социализмни такомиллаштириш деб аташ мумкин. Мамлакатимиз узоқ давом этадиган тарихий босқичнинг бошланғич палласида турибди. Ўз навбатида бу босқичнинг ўзига хос даврлари, ўсиш поғоналари бўлади. Поғонадан-поғонага кўтарилиш — ҳар қандай ривожланиш йўлида учрайдиган зиддиятлар ва қийинчиликларни бартараф этиш билан мукаррар равишда боғлиқ бўлган жуда мураккаб жараён эканини исботлашнинг ҳожати йўқ. Бирон иш яхшироқ чиқса, биронтаси ёмонроқ чиқади. Баъзи соҳаларда биз тезроқ ҳаракат қила олсак, бошқаларида секинроқ ҳаракат қиламиз. Ижтимоий тараққиётнинг реал манзараси мана шундай. Уни бир чизиққа солиб, тўппа-тўғри олиб бориб бўлмайди.

КПСС ўзининг XXVI съездида ҳозирги босқичда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг муфассал программасини белгилаб берди. Партия билан халқнинг бутун куч-ғайрати съезд кўрсатмаларини бажаришга, шу кўрсатмаларни қа конкрет ишларда рўёбга чиқаришга қаратилган. Ленин ибораси билан айтганда ҳозир бутун ишимизнинг моҳияти мана шундан иборат. Бу ишнинг муваффақияти эса меҳнаткашлар маънавий, ахлоқий кучларининг, халқимиздаги жамики яхши фазилатларнинг тобора кўпроқ интенсив намоён бўлиши билан, оммaнинг Ватан ишлари ва режаларига астойдил қизиқиши ривожланиши билан, унинг ижодий ташаббускорлиги билан чамбарчас боғланган.

Мана шуларнинг ҳаммаси ленинча коммунистик шанбаликдаги зарбдор ишда яна бир карра намоён бўлди. 155 миллиондан кўпроқ киши, аслида имкони бўлган барча кишилар шанбаликда иштирок этишди. Уларнинг ҳар бири Ленининг инсонни ўз мамлакатининг ҳақиқий хўжайинига айлантирадиган эркин меҳнатининг улуғворлиги ғояси билан яна бир бор учрашгандек бўлди.

Ўз турмуши ва ўз жамиятининг актив ижодкори эканини мана шундай англаш замирида социализмдан бошқа ҳеч қандай тузум эга бўлмаган ва эга бўлиши ҳам мумкин бўлмаган улуғвор куч ошириниб ётибди. Биз мана шундай куч соҳиби бўлганлигимиз ва уни изчиллик билан ривожлантириб, моҳирона йўналтира олишимиз туфайли ҳар қандай вазифани ҳал этамиз ва коммунизм қурилиши буюк ишини янада зўр ғайрат билан олға силжитамиз. Бу иш, Ленин сўзлари билан айтганда, «Ҳаммамизни қизиқтирадиган, бизнинг муддаомиз бўлган, яратишимиз лозим бўлган ҳамда ўзимизнинг бутун кучимизни ва ўзимизнинг бутун ҳаётимизни бағишлашимиз лозим бўлган» ишдир.

Ўртоқлар! Оммaнинг онгли тарихий ижодкорликка актив қўшилиши — бутун давримизнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Социалистик ҳамдўстлик тарихан жуда қисқа муддатларда ҳозирги замон сиёсий ривожининг жаҳоншумул омилига айланди. Қардош мамлакатлар ғоявий-сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий имкониятларининг бирга қўшилиши реал социализмнинг кучини кўпайтиради, унинг узлуксиз ривожланишига, империализм ва гегемонизмнинг агрессив сиёсатига муваффақиятли қаршилик қилишга, дунёдаги воқеаларининг боришига актив таъсир ўтказишга имкон беради.

Аммо социализм лабораторияси шароитларида қурилмайди. Ў икки системанинг синфий ўзаро кураши вазиятида, империализмнинг шафқатсиз тазйиқи вазиятида шакланади, ички қийинчиликларни бартараф этиш йўлидан ўтади. Мана шуларнинг ҳаммаси олға томон қиладиган ҳаракатимиз суръатларига таъсир ўтказади. Бироқ, идеал даражада бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда ер юзида реал равишда яшаб турган мана шу социализм келажак айни социализмнинг эканини тобора яққол исбот этмоқда.

Социализм дунёси — кўпгина халқларнинг доимо янгиланиб борувчи ижодиётидир. Бу ижодиёт революция ғалабасига эришиш йўлларининг, социал-иқтисодий ўзгартиш ларни амалга ошириш методлари ва суръатларининг хилма-хиллигида, ижтимоий турмушнинг турли соҳаларидаги энг зарур вазифаларни ҳал этиш усулларида, жамият сиёсий ва социал ташкилоти формаларининг хилма-хиллигида намоён бўлмоқда.

Ўз моҳиятига кўра социализм ҳаёлий схемаларга ва андозаларга ётдир. Ҳокимият тепасида турган ҳар бир партия конкрет вазиятга, миллий хусусият ва анъаналарга асосланиб социалистик бунёдкорликнинг умумий ишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Турмушнинг ўзи социализм формаларининг хилма-хиллигини, аммо унинг моҳияти битта эканини белгилаб бермоқда. У ёки бу мамлакатдаги социалистик тузумнинг, Ленин таълим берганидек, жузъий соҳаларда турлари миллий ва миллий-давлат тафовутларига татбиқан тўғри ўзгартирилган асосий принципларни қўлланилиши натижасида вужудга келади.

Шу муносабат билан социализмнинг «моделлари» тўғрисида ҳозир жуда мода бўлган масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Баъзи бир социалистик мамлакатлар дуч келаётган қийинчиликлар гўё уларга совет «модели» тиқиштирилаётганлиги сабабли келиб чиқмоқда, деган гапни айтмоқдалар. Ғалати хулоса. Бу даъволарнинг мутлақо бемаънилигини тушуниш учун воқеликка холисона назар ташлаш кифоя. Қайси социалистик давлатни олиб кўрманг, ҳамма жойда ўзига хос, миллий, тарихий, маданий ва бошқа хусусиятлар намоён бўлиб турганини кўриш мумкин.

Ў ёки бу мамлакатда социализм қурилиши унинг тарихий, сиёсий ва маданий анъаналарига мувофиқ бўлиши лозим, деб бизга айтсалар, — бу — мунозара мавзуи эмас. Турли-туман «моделлар» тўғрисидаги гапсўзлар орқасида социализм моҳиятининг ўзи тўғрисидаги, унинг капитализмдан туб тафовутлари ҳақидаги тасаввур тобора хираланиб, думмаллашиб борган тақдирда мунозара мавзуи пайдо бўлади. Социализм йўлига ўтган халқларнинг тажрибасини бадном қилишга уринсалар, социалистик қурилишнинг муштарак қонуниятларини ҳақиқатда рад этсалар, мана шунда қатъий эътирозлар пайдо бўлади, албатта.

КПСС шу масалалар хусусидаги ўз позициясини неча марталаб баён қилиб берган эди. Ҳар бир мамлакатнинг ўз халқи қабул этган, унинг манфаатларига ва анъаналарига мувофиқ келадиган форма шу мамлакат учун энг яхши форма бўлади, деб ҳисоблаймиз. Бироқ, социалистик ижтимоий тузумнинг принципиал негизлари, унинг синфий табиати, унинг моҳияти барча мамлакатлар ва халқлар учун ягонадир.

Дунёда социализмга қизиқишнинг ўсиши — замонамизнинг ўзига хос белгисидир. Социализм ғоялари ривожланган капиталистик давлатларда тобора кўпроқ қўллаб-қувватланмоқда. Мустамлакачилик зулмидан халос бўлган мамлакатларда ҳам бу ғоялар ўзига йўл очиб бормоқда. Бу — баъзан кенг оммaнинг империализмга қарши курашга, қолоқлик, камбағаллик, қарамликни тугатиш йўлидаги курашга ўз-ўзидан қўшилиб бораётганлигининг қонуниятли натижасидир. Социал тараққиёт учун кураш олиб борилаётган шароитларнинг хилма-хиллиги, шу курашни олиб бораётган сиёсий кучлар состави ва характерининг турлича эканлиги сабабли жуда хилма-хил маф-куравий оқимлар ва фикрлар юзага келмоқда.

Биз коммунистлар шунга аминмизки, синфий кураш ва социал ўзгартишлар тажрибаси, моддий ва маънавий маданиятнинг ялпи юксалиши, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг тажрибаси ва таъсири илмий коммунизм ғояларини тобора кенг оммалаштириш учун замин яратиб беради.

Социализмга ҳар хил йўллар билан борилади. Бироқ, социализм йўлига ўтилгандан кейин ундан тойиб кетмаслик, ва ярим йўлда тўхтаб қолмасдан ёки капитализм системасида қолиб кетмасдан, айни социализмга етиб келиш муҳимдир. Мақсадга эришиш учун меҳнаткашларнинг ўз сиёсий партияси зарур. Шунчаки бир партия эмас, балки принципиал жиҳатдан янги, ленинча типдаги партия керак.

Фақат мана шундай партиянгина оммaнинг манфаатлари ва муддаоларини онгли сиёсий кураш тилига кўчиришга, ўз иродаси ва қатъияти билан оммага илҳом беришга, унинг ғайратини уюштириб, ягона ўзанга солиб юборишга қодирдир. Фақат мана шундай партиянгина ўзининг авангардлик роли омма томонидан эътироф қилинишига эришиши ва ҳар қандай; ҳатто энг оғир синовларга дуч келганда ҳам меҳнаткашларни социализмга олиб чиқиши мумкин.

II. «Демократиянинг энг йирик кўриниши—уруш ва сулҳ ҳақидаги асосий масалада бўлади».

(В. И. ЛЕНИН)

Ўртоқлар! Жаҳон сиёсати проблемалари, айниқса уруш ва тинчлик проблемалари ленинизм назарияси ва практикасида ғоят муҳим ўринда туради. Россия революциясининг, халқлар бутун озодлик курашининг тақдири шу проблемаларнинг тўғри ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ эканини Ленин аниқ-равшан кўрган эди.

Ғалаба қозонган пролетариат ташқи сиёсатининг асосий принципларини белгилаб берди, масъуляти Ленининг зиммасига тушди. Партиямизнинг асосчиси ҳамиша адолатли ва адолатсиз урушларни бир-биридан фарқ қилар эди. Унинг уруш ва тинчлик проблемалари хусусидаги фикрлари мукаммал бир таълимотдир. Тинчлик билан социализмнинг узвий алоқадорлиги ғояларини изчиллик билан ва муросасиз тарзда қарор топтириш бу таълимотнинг асосий мағзидир. Бу алоқадорлик ўзи жамиятга уруш керак эмаслигидан, уруш унинг ҳамма манфаатларига ва идеалларига, меҳнат аҳлининг жамики муддаоларига зид эканлигидан келиб чиқади. Ҳозир, уруш ва тинчлик тўғрисидаги масала бутун-бутун халқлар учун, башарий цивилизацияниг ўзи учун ҳаёт ёки ҳалокат масаласи бўлиб қолган бир пайтда Ленининг бу ғоялари мислсиз актуаллик касб этди.

Октябрдан кейинги бутун тажрибамиз тинчликни империалистлардан илтимос қилиб олиб бўлмаслигини кўрсатиб турибди. Биз Ленининг революция ўзини ҳимоя қила олиши керак, деган васиятини ёдда тутамиз. Партиямиз, совет халқи шу васиятга амал қилиб, шонли қуролли кучларни, енгилмас мудофаа қудратини вужудга келтирдилар.

Шу билан бирга Совет Иттифоқи мустаҳкам тинчликни фақат ҳарбий куч ва шу кучга асосланган сиёсатгина таъминлаши мумкин, деган фикрга ҳеч қачон асосланган эмас. Бундай сиёсат тинчликка эмас, балки қуролланиш пойгасига, муҳолифликка ва пировард натижада — урушга олиб борган бўлур эди. Айни шу боисдан ҳам партиямиз, Совет давлати тинч-тотув яшаш принципларини собитқадамлик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келмоқдалар, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик йўлидан шу қадар оғишмай олға бормоқдалар.

Демократиянинг энг йирик кўриниши, — деб уқтирган эди Ленин, — уруш ва сулҳ тўғрисидаги асосий масалада бўлади». Совет ташқи сиёсатининг чўқир демократизми ҳам шундан иборатки, у ғоят кенг оммaнинг тўб, ҳаётий манфаатларини ифодалайди, бу оммага уруш керак эмас.

Эҳтимол, бир вақт келиб давримизнинг мукаммал тарихи ёзилар. Шу тарихга Совет Иттифоқининг қатъий тинчликсеварлик сиёсати бўлмаганида планетамиз инсон ҳаёти учун жуда хатарли жой бўлибгина қолмай, балки у ўнглаб бўлмайдиган фалокатга учраган бўлиши ҳам мумкин эканлигидан иборат ҳеч шубҳасиз факт зарҳал ҳарфлар билан ёзилишга ишонавериш мумкин. Модомики, фалокатга йўл қўймасликнинг иложи топилган экан, модомики биз сал кам 40 йилдан бери тинчлик шароитида яшаб келаётган эканмиз, модомики келажакдан кўнглимиз тўқ экан, бунда Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати, унинг ядро фалокати хавфига қарши, ҳаёт учун, инсониятни омон сақлаб қолиш ва уни равнақ топтириш учун кураши жуда катта роль ўйнади ва ўйнамоқда.

Совет кишилари, Ер юзидаги барча тараққийпарвар кучлар Леонид Ильич Брежневнинг тинчлик манфаатлари йўлидаги кўп қиррали фаолиятини зўр миннатдорчилик билан баҳоламоқдалар. Шу олиҳаноб иш йўлида сарфланган тинимсиз меҳнат, фидокорона куч-ғайратлар туфайли партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари ғоят кенг миқёсдаги эътирофга ва умумхалқ ташаккурига сазовор бўлди. Ҳар бир улуғ иш ўзи қаҳрамонларини, ўз фидокорларини юзага келтиради. Бизнинг замонамизда тинчлик учун кураш мана шундай улуғ ишдир. Ўзи урушнинг бошидан охиригача қатнашган, урушдан кейинги вайронгарчиликнинг ҳамма қийинчиликларини бошидан кечирган Леонид Ильич Брежнев бу кураши қатъият ва изчиллик билан, кучини аямай, донишмандлик билан олиб бормоқда.

Ўртоқлар! Принципиал янги, ленинча тинч-тотув яшаш сиёсатини ўтказа бошлаган ёш социалистик давлат шу сиёсатни амалга оширишнинг янги шаклларини ҳам қидириши лозим эди. Янги, социалистик дипломатиянинг дунёга келиши, Ленининг фикрича, эксплуататорлар ҳамиша ташқи сиёсатни меҳнаткашлар оммасидан ажратиб келган деворни қулатиб ташлаши, оммани ташқи сиёсат объектидан ҳалқаро ишларга ўз манфаатларини кўзлаб актив таъсир ўтказадиган кучга айлантириши лозим эди.

Социалистик ташқи сиёсат дунёга келганлигининг ўзи энг муҳим халқаро проблемаларни подшо маҳкамаларининг хилватгоҳларидан буржуазия жирканадиган кўчага олиб чиқишга, бу проблемалардан ишчиларни, барча меҳнаткашларни хабардор қилишга ёрдам берди. Бу — жуда синфий, жуда партиявий ўзгариш бўлди. Бу ўзгариш биринчи бор оммaнинг сиёсатга амалий таъсир ўтказиши имкониятини яратди, урушга қарши ҳаракатнинг кенг оммавий базага эга бўлиши учун ёрдам берди.

Бизнинг давримизда, инсоният боши узра энг даҳшатли хавф — ядро уруши хавфи пайдо бўлган бир пайтда бундай ҳаракатлар жиддий сиёсий омил бўлиб қолди, бу омилнинг роли кучайиб бораверишини яққол кўрсатиб турибди.

Урушга қарши ҳаракатлар юксалишидан қути учган империалистик буржуазия бўҳтон, маккорона алдамчилик қуролидан тобора кенг миқёсда фойдаланмоқда. Ҳозир Вашингтон нима қилаяпти денг? Жазавали бир ташвиқотчилик кампанияси кетидан иккинчиси бошланиб турибди. Одамларга гоҳ «совет ҳарбий хавфи» бор, деб такрорламоқдалар, гоҳ Америка стратегик жиҳатдан «орқада қолди» деб виждонсизларча ёлғон гапирмоқдалар. Гоҳ «халқаро терроризм» билан чўчитмоқдалар, гоҳ Польшадаги, Марказий Америкадаги, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёдаги воқеалар тўғрисида ҳар хил мишмишларни тўқимоқдалар. Бунинг ҳам ўзига хос мантиқи бор — чунки империалистлар оммани алдаш орқалигика оммавий қирғин қуролини қўпайтиришлари, дунёни урушга судрашлари мумкин.

Янги жаҳон урушининг олдини олиш мумкинлигига халқимизнинг ишончи комил. Бунинг учун барча тинчликсевар кучлар, халқларнинг келажагини, инсониятнинг келажагини азиз билувчи ҳамма ҳукуматлар, сиёсий партиялар ва арбоблар актив ҳаракат қилишлари лозим. Партиямиз, Совет ҳукумати совет сиёсатининг тинчлик ишига самарали хизмат қилиши, оммaнинг кўзини очиши, қуролланиш пойгаси ва агрессия жарчиларининг кирдикорларини фош этиши учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Совет сиёсати фақат сўз билан эмас, ўзининг ҳамма ишлари, тинчлик ташаббуслари билан ҳам шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Бу нарса ҳозир айниқса муҳим бўлиб қолмоқда. Муҳимлигининг сабаби шуки, урушга қарши оммавий ҳаракат мислсиз равишда юксалиб бораётган бир пайтда «совуқ уруш» тарғиботчиларининг фақат пропагандистик хатти-ҳаракатларга зўр беришларигина эмас, шу билан бирга уларнинг сиёсий найранглари ҳам кучаймоқда. Жамоатчиликни алдаш учун дипломатия музокараларининг ўзидан, чунончи қурол-яроғларни чеклашга ва қуролсизланишга доир музокаралардан фойдаланишга уринно кўрмоқдалар. Баъзан хом хаёл туғдириш ва жамоатчиликнинг хушёрлигини сусайтириш, қуролланиш пойгасини давом эттириш учунгина музокара бошламоқдалар, деган тассурот туғилмоқда.

Ғарб Марказий Европадаги қурол-яроғларни ва қуролли кучларни қисқартириш тўғрисидаги Вена музокараларида мана шундай йўл тутмаяптими, ахир? Совет Иттифоқи, социалистик мамлакатлар бу музокараларни боши берк кўчадан чиқариб олиш учун неча марталаб ҳаракат қилдилар! Аммо ҳар сафар ғарблик музокарадошларимиз битимга йўл қўймаслик учун тобора янги-янги баҳоналарни қидириб топмоқдалар.

АҚШ вакиллари Европадаги ўртача олисликка учириладиган ядро қуроллари ни чеклаш тўғрисидаги музокараларни ҳам ана шундай схема асосида бошлаганга ўхшайдилар. Бунинг устига бу ўринда муҳлатни маълум муддат билан чеклаш ҳам бор — битим тузиш иши борди-ю бир ёки бир ярим йилга чўзилса борми, у ҳолда Европада Американинг бир неча юзта янги ракетасини жойлаштириш тўғрисидаги НАТОнинг қарори амалга оширила бошлайди деяверинг.

Маълумки, яқинда Вашингтон тез орада америкаликлар стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш тўғрисида музокаралар бошлашга тайёр бўладилар, деб яна ваъда қилди. Ҳай, майли, бизни бунга кўндиришга овора бўлиб юрмасинлар, Совет Иттифоқи бу музокараларга аллақачон тайёр. Биз башарти музокаралар амалий руҳда тенг ҳуқуқлилик ва баббаравар хавфсизлик принциплари асосида олиб борилган тақдирда бу муҳим проблема ҳал этилади, деган ишончга асосланиб иш тутаяпмиз.

Ўртоқ Брежнев яқинда «Правда »мухбиринг олий даражадаги Совет — Америка учрашуви эҳтимоли хусусидаги саволига қайтарган жавобида АҚШ билан амалий мулоқотга тайёр эканини яна бир бор изҳор этди.

Ўртоқлар! Коммунистлар партияси ҳамиша мустаҳкам тинчлик йўли — қийин, ўйдим чуқур йўл эканига асосланиб иш тутиб келди. Бу соҳада енгил ғалабаларга умид қилмаслик керак, ҳар бир қадам зўр куч-ғайрат билан қўйилади. Биз шуни яхши билганимиз учун ҳам ҳеч қачон муваффақиятлардан эсанкираб қолганимиз йўқ. Бинобарин, қийинчиликларга дуч келганимизда ҳам ҳафсаламиз пир бўлмайди.

Леонид Ильич Брежнев ҳозирги халқаро вазиятни чорраҳага ўхшатди, шу тариқа у инсоният бундан буён тутадиган йўлининг буюк масъулиятини таъкидлади. Инсоният ё урушдан воз кечиб тинчликка олиб борадиган йўлдан қадам қўяди, ёки қуролланиш пойгасини ва муҳолифликни давом эттириш йўлидан боради.

Биз ўз йўлимизни аллақачон танлаб олганмиз. Биз Ленин бошлаб берган тинчлик ва ҳамкорлик йўлидан ҳеч қачон қайтмаслик тарафдоримиз. Биз учун бу — халқ ва мамлакатнинг туб манфаатлари масаласидир. Биз учун бу — принцип масаласидир.

Бизгина эмас, капиталистик дунёнинг асосий мамлакатлари, шу жумладан АҚШ ҳам шу йўлни танлаб олгандек, 70-йилларнинг бошларида аввалги ўн йилликларнинг бутун тажрибасини назарда тутиб, шу чорраҳадан ўтгандек туюлган эди. Бу тажриба эса тинч-тотув яшашдан бошқа оқилона йўл йўқ эканини, «совуқ уруш» ва қуролланиш пойгаси бе ҳуда эканини, қонли уруш эса ғалаба келтирмаслигини равшан кўрсатди.

Бироқ, баъзи ҳукуматлар ҳам, одамлар ҳам тарих тажрибасини, сабоқларини унутишга мойил бўммоқдалар. Чамаси ҳозир Вашингтон маъмуриятида шундай бўлмоқда. Ў халқаро мусобатларнинг бутун ривожини хатарли йўлга судрашга уринмоқда. Бу йўлда Қўшма Штатлар мваффақият қозона олмаслиги равшан. Аммо бу сиёсат умуман вазиятни ёмонлаштираётганлиги, уруш хавфини кучайтираётганлиги билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Ҳушёрликни ошириш ва айни вақтда тинчликни сақлаб қолиш учун янада зўр сабот билан курашишгина бунга жавоб бўлиши мумкин. Бизнинг мамлакатимиз ўтказаётган ташқи сиёсат айни шу вазифаларни ҳал этмоқда.

Империализм агрессив кучларининг Совет Иттифоқи устидан ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги ўринпошларига жавобан биз ўртоқ Брежнев уқтириб ўтганидек, мамлакатимизнинг ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг хавфсизлигини пухта равишда таъминлаш учун ўз мудофаа қобилиятимизни муносиб даражада сақлайверамиз.

Муҳитни хиралаштириш, кескинликни кучайтириш йўлидаги ўринпошларга биз янги тинчлик ташаббусларини қарама-қарши қўямиз. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг касаба союзлари XVII съездидаги ва Тошкентдаги нутқларида амалий таклифларнинг бутун бир комплекси баён қилиб берилди. Бу янги ташаббуслар моҳият эътибори билан ҳар бир мамлакат, унинг ҳукумати ва жамоатчилиги олдига: қайси йўлдан борилади? Тинчлик ва кескинликни юмшатиш йўлиданми, ёки кескинликни кучайтириш, қуролланиш пойгаси ва уруш йўлиданми? — деган саволнинг ўзини қўяди. Бу саволга жавоб беришдан ҳеч ким бўйин товлай олмайди.

Ядро фалокати хавфига қарши тарихий курашда биз ёлғиз эмасмиз. Социалистик ҳамдўстлик, қардош Коммунистик партиялар, халқаро ишчилар ҳаракати, қўшилмаган мамлакатларнинг халқлари — тинчлик иши тарафдоридирлар. Барча қитъаларнинг, ҳамма мамлакатларнинг, шу жумладан Ғарбий Европа, Япониянинг ва ҳатто Қўшма Штатларнинг ҳам ғоят кенг халқ оммаси тинчлик учун курашмоқда. Жуда турли социал мавқега ва ҳар хил эътиқодга мансуб бўлган кишиларни бирлаштирувчи бу ҳаракат ўзини ўзи сақлаб қолишдан иборат табиий туйғу замирида, ядро фалокатининг олдини олишдан иборат замонамизнинг энг зарур эҳтиёжи замирида вужудга келди. Фақат сиёсий телбалар ёки ашаддий ёлғончиларгина шу кунлардаги урушга қарши оммавий ҳаракатни «Москванинг қўли», коммунистларнинг кирдик

ГАЗЛАМАЛАР ПИШИҚ БЎЛАДИ

Ҳосил вахтаси: қишлоқ хўжалиги обзори

Бу йилги кечикиб келган баҳор пахтакорлар учун жиддий синов бўлди. Чигит экиш муддатлари жуда ҳам қисқарди. Ана шундай бир шароитда механизаторларнинг меҳнати аниқ ташкил этилишига, техникадан самаралироқ фойдаланишга олдиндан жиддий тайёргарлик кўрилган жойлардагина муваффақиятга эришилмоқда. СССР Марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, 19 апрелгача 2,7 миллион гектар ерга чигит экилди. Баҳорги дала ишларининг боришини СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги мутахассислари шарҳлайди.

Пахтакорлар КПСС Марказий Комитетининг Биринчи май Чақириқларига дала ишларини аъло сифатли қилиб ўтказиш, беш йилликнинг иккинчи йилида мўл ҳосил етиштириш учун зарбдорларча меҳнат билан жавоб бермоқдалар. Кўпгина хўжаликларда экиш охирлаяпти. Масалан, 1,6 миллион гектар ерда пахта етиштираётган Ўзбекистонда Тошкент области деҳқонлари чигит экишни биринчи бўлиб уддаладилар. Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон колхоз ва совхозлари ҳам экишни тугалламоқдалар. Қирғизистонда ана шу экин учун ажратилган майдоннинг қарийб учдан икки қисмига, Қозоғистонда эса экин майдонларининг ярмига уруғ ташланди.

Пахтакорлар баҳорги дала ишларининг дастлабки кунлариданоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентдаги тантанали мажлисда берган маслаҳатларига амал қилмоқдалар. Пахта етиштиришнинг жадал суръатларини таъминлаш, унинг сифатини ошириш учун пахтакорлар ҳар бир коллективнинг ички резервларидан яхшироқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай резервлар эса оз эмас. Бу юқори сифатли уруғ, экиш технологияси муддати ва усулларини тўғри танлаш, ўғитлар ва гербицидлардан самаралироқ фойдаланишдир. Далада меҳнатни моҳирлик билан ташкил этиш айниқса муҳимдир.

Ҳосилдорликни ошириш-нинг ишончли негизи янги, янада серҳосил навлардир. Эндиликда колхоз ва совхозлар «Тошкент-1» навини экишни камайтирмоқдалар. Чунки бу навнинг сифати енгил саноатни қаноатлантирмаяпти. Айни пайтда районлаштирилган, қимматли ингичка толали навлар экиладиган майдонлар 38 минг гектарга кенгайтирилмоқда.

Пахта сифатини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар алоҳида назорат қилинмоқда. Шундай бўлса ҳам таъкидлаш керакки, яхши ҳосил бериш билан бирга толаси юксак технологик хусусиятга эга бўлган ҳамда ҳосили механизмлар ёрдамида териб олишга мослаштирилган навлар ҳозирча оз. Деҳқонлар селекционерлардан айнан шундай навларни кутмоқдалар.

Лекин пахта етиштиришни кўпайтиришда фақат навгина муҳим роль ўйнамайди. Юқори сифатли хом ашё тайёрлаш, тўқимачиларнинг буюртмасини яхшироқ ҳисобга олиш, уларни ингичка, пишиқ тола билан таъминлаш имконини берувчи бошқа йўллар ҳам бор.

Бу энг аввало ихтисослаштиришдир. Шу ўринда ўрганса бўладиган, намуна олса арзийдиган пахта усталари оз эмас. Масалан, Сурхондарё областидаги «Сурхон» тажриба хўжалигининг коллективи бутунлай ингичка толали пахта етиштиришга ўтиб олди ва, таъкидлаш керакки, яхши натижаларга эришди. Бултур 3500 гектар ернинг ҳар гектаридан бу ерда 39 центнердан пахта етиштиризди, 8 миллион сўмдан зиёд соф фойда олинди. Бу ўртача толали нав пахта етиштиришга қараганда икки баробар кўпдир.

Ўрта Осиё республикаларининг хўжаликлари беш йилликнинг иккинчи йилида давлатга 976 минг тонна ингичка толали пахта сотишни мўлжаллаяптилар. Тожикистонда шундай пахта майдони анча кенгайтирилди. Агар илгари ингичка толали пахта фақат Вахш дарёси водийсида етиштирилган бўлса, эндиликда Ленинобод областининг далаларида ҳам шундай навли пахта етиштирилмоқда. Республика колхоз ва совхозлари экин майдонларининг учдан бир қисмига — юз минг гектардан зиёд ерга ингичка толали нав чигит экиб, бундай нав чигит экишни тугалладилар. Туркманистон деҳқонлари ана шу экин учун ажратилган навлар ҳозирча оз. Деҳқонлар селекционерлардан айнан шундай навларни кутмоқдалар.

Лекин пахта етиштиришни кўпайтиришда фақат навгина муҳим роль ўйнамайди. Юқори сифатли хом ашё тайёрлаш, тўқимачиларнинг буюртмасини яхшироқ ҳисобга олиш, уларни ингичка, пишиқ тола билан таъминлаш имконини берувчи бошқа йўллар ҳам бор.

Бу энг аввало ихтисослаштиришдир. Шу ўринда ўрганса бўладиган, намуна олса арзийдиган пахта усталари оз эмас. Масалан, Сурхондарё областидаги «Сурхон» тажриба хўжалигининг коллективи бутунлай ингичка толали пахта етиштиришга ўтиб олди ва, таъкидлаш керакки, яхши натижаларга эришди. Бултур 3500 гектар ернинг ҳар гектаридан бу ерда 39 центнердан пахта етиштиризди, 8 миллион сўмдан зиёд соф фойда олинди. Бу ўртача толали нав пахта етиштиришга қараганда икки баробар кўпдир.

Ўрта Осиё республикаларининг хўжаликлари беш йилликнинг иккинчи йилида давлатга 976 минг тонна ингичка толали пахта сотишни мўлжаллаяптилар. Тожикистонда шундай пахта майдони анча кенгайтирилди. Агар илгари ингичка толали пахта фақат Вахш дарёси водийсида етиштирилган бўлса, эндиликда Ленинобод областининг даларида ҳам шундай навли пахта етиштирилмоқда. Республика колхоз ва совхозлари экин майдонларининг учдан бир қисмига — юз минг гектардан зиёд ерга ингичка толали нав чигит экиб, бундай нав чигит экишни тугалладилар. Туркманистон деҳқонлари ана шу экин учун ажратилган навлар ёрдамида териб олишга мослаштир

Малик ҚАЮМОВ 70 ёшда

УСТОЗ САНЪАТКОР

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофотининг лауреати, кинорежиссёр Малик Қаюмовнинг «Кинематография — менинг ҳаётим» китоби нашр этилди.

Сеҳрли кино санъатининг соҳиби, бутун бир авлод кино операторлари ва режиссёрларининг устози, ўзбек совет бадиий маданиятининг моҳир ташкилотчиларидан бири Малик Қаюмов 70 ёшга тўлган кунда унинг ҳаёти, ижоди, бутун фаолияти батафсил ҳикоя қилинган мазкур китоб санъат аҳли учун ҳам, шунингдек, китобхонлар учун ҳам жуда зарурдир. Бинобарин, санъаткорларимиз ҳақида бундан аввал ҳам баъзи китоблар нашр этилган бўлиб, эндиликда уларни бемалол топиб ўқиш амримаҳол бўлиб қолди. Чуночи, Ҳамза, Комил Ерматов, Шукур Бурхонов, Раззоқ Ҳамроев, В. А. Успенский, Юнус Ражабий, Назира Алиева, Қудрат Ҳўжаев китоблари ва булар ҳақидаги рисолалар шу жумлага киради. Қори Ёқубов, Олим Ҳўжаев ва яна бир қанча санъаткорлар ҳақидаги китобларнинг босмадан чиқишини санъат шайдолари сабрсизлик билан кутмоқдалар.

Малик Қаюмовнинг китобида совет ҳужжатли кино санъатининг отахони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Роман Карменнинг «Менинг учун ўзбек ҳужжатли киноси — бу Маликдир», деган фикри келтирилган.

Албатта, Роман Кармен биргина Малик Қаюмов номини тилга олганда ўзбек кино санъаткорларининг, айниқса, ҳужжатли кино соҳасида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилиб келаётганларнинг бутун бир авлодини назарда тутади. Буларнинг ёши улуғлари йигирманчи йилларнинг ўрталаридаёқ Наби Ғаниев ва Малик Қаюмов бошчилигида ўша вақтдаги анча ибтидоий камераларни елкаларига ортиб, янги социалистик ҳаётнинг машаққатли жабҳаларида юрганлар. Қизил Армиянинг босмачи тўдаларга қарши ҳужумларини, ер ислоҳотини, паранжи-чимматлар ёқил ган гулханларни суратга олганлар. Шундан кейин яна буюк воқеалар: қишлоқ хўжалигини коллективлаш ва мамлакатни индустриалаш — илк беш йилликлар кенг кўламда бошланиб кетди.

Малик Қаюмов тинимсиз ишлади, муттасил изланди, операторлик санъатини мукаммал эгаллади. Унинг атрофига ўнлаб ёшлар тўпландилар, қайноқ ва мураккаб ҳаётнинг бутун кўламини, минг-минглаб кишиларнинг меҳнати, жасоратини лента-ларга тушириб қолдиришга ҳаракат қилдилар.

Эндиликда орадан 40—50 йил ўтгандан кейин ўша даврларда олинган киноленталари кўзлан кечирсангиз, экранда замон солномаси яратилганига иқрор бўласиз.

Шу кунларда совет халқлари ва бутун тараққийпарвар инсоният СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқдалар. Байрамга муносиб совғалар ҳозирланмоқда, шу жумладан, бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратилмоқда. Хўш, мабодо ўша «эски» киноленталар бўлмаса, Малик Қаюмов бошлиқ ҳужжатнавис санъаткорларимизнинг «кино архиви» деб аталган хазинаси сақлаб қолинган бўлмаса, у ҳолда биз бир неча ўн йилларнинг ҳақиқий ҳаёт манзарасини қандай қилиб тиклай олган бўлур эдик!

Ҳужжатли кино — бу фотография эмас, албатта. Ҳужжатли кино тасвирларнинг ҳаракатига, ўзгаришига, ривожига асосланган. Бинобарин, ҳужжатли кино оператори дуч келган одамларни, воқеаларни, манзараларни суратга олавермайди. У ҳужжатли кино режиссёри билан биргаликда, воқеалар тартибга солинган ичил план, яъни сценарий асосида конкрет воқеани, конкрет одамлар ҳаётини суратга олади.

Бундан ярим аср аввал унинг раҳбарлигида Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси ташкил этилгач, бу улкан иш марказлаштирилиб, ижодий ютуқлари йилдан-йилга салмоқли бўла борди.

Ҳужжатли кино ижодкорларининг сардори «Кинематография — менинг ҳаётим» китобида ўзи билан бирга ишлаган ва ишлаб келаётган ҳамкасбларидан бир қанчаларини ҳурмат билан тилга олади. Булар: Наби Ғаниев, П. Аъзамов, Н. Ким, О. Турсунов, В. Комаров, Г. Зоиров, А. Ғафуров, А. Семин, Аждар Иброҳимов, Т. Нодиров, А. Каримов, Т. Рўзиев, Р. Раҳимбоев, Д. Салимов, Н. Азимов ва бошқалар...

Биз Малик Қаюмовнинг ўнлаб йирик ҳужжатли фильмларини кўрган бўлсак ҳам, мен шулардан учтасини томошабиларга эслатиб, юқоридаги фикрларни исбот этишга уриниб кўраман.

«Олтин тўй» номли тўла метражли ҳужжатли фильмни кўпчилик томошабинлар кўрганлар. Бу фильмда самарқандлик Муборак ота билан онанинг эллик йиллик биргаликда кечган бахтиёр ҳаёти, улкан оиласи, садоқатли фарзандлари ва, ниҳоят, олтин тўйлари ҳикоя қилинади. Мазкур фильмни суратга олишга тайёргарлик кўрилган кунларда Малик Қаюмов мени ўз группасида Самарқандга олиб боргани ҳамон эсимда. Биз Эргашевлар оиласида меҳмон бўлганмиз, уларнинг фарзандлари — олимлар, агрономлар, инженерлар, педагоглар ишлаб турган жойларга борганмиз, бўлажак фильм қаҳрамонлари билан суҳбатлашганмиз.

Мен ўша ижодий иш жараёнида Малик Қаюмовни кузатганман. Менинг дўстларим кўп, улар ичида Константин Симонов каби ҳар лаҳза қайнаб турадиган ижодкорлар ҳам бўлган. Владимир Карпов ёки Иброҳим Раҳим каби доим қўллари даврнинг қайноқ томирида турадиган, долзарб масалаларни тезкорлик ва зўллик ила кўтариб чиқадиган оташкалб ижодкорлар ҳам беҳисоб. Аммо, мен чандастликда, тезкорликда Малик Қаюмовни ҳамкор дўстларим орасида биринчи ўринга қўяман. «Олтин тўй» фильмини яратишда ҳам кўзи ўткир, диди баланд, ўзига ва дўстларига ўта талабчан санъаткор биз таъкидлаган гўзал фазилатини яна бир карра намойиш қилди.

Ота касбимиз — пахтакорлик, чўлларни ўзлаштириш мавзуи — ўзбек ҳужжатли киносида ва унинг устози Малик Қаюмов ижодида бош мавзудир. Бу мавзуда яратилган ўнлаб фильмларни санаб чиқиш мумкин. Лекин, икки улкан фильм: Малик Қаюмов яратган «Мирзачўл», унинг шогирди Даврон Салимов яратган «Турна чўл» фильмлари алоҳида ўрин эгаллайди. Биринчи фильмни яратишда Константин Симонов билан мен ҳам бошдан-охир қатнашдим. Мирзачўл тарихига, у ердаги поёнсиз қурилишга, янги совхозлар ҳаётига, минг-минг одамлар меҳнатига доир бир жаҳон материалдан Малик Қаюмов фильм учун энг зарур воқеаларни танлаб, саралаб ола билди.

Малик Қаюмов бошлиқ киногруппанинг бир йиллик тинимсиз меҳнати ниҳоясига етгач, у дикторлик текстини — фильм ҳақидаги ҳикояни ўқиб беришни Константин Симоновдан илтимос қилди. «Кулфат бегона бўлмайди», «Солдатлар ҳақида нақллар» каби машҳур ҳужжатли фильмларнинг муаллифи ва мазкур фильмларнинг текстларини ўзича ўқиган К. Симонов «Мирзачўл» фильмидаги воқеаларни ҳам сал бўғиқ, аммо ёқимли овоз билан ўқиб берди.

Малик Қаюмов яна бир катта иши — афғон кинематографчилари билан биргаликда суратга олган «Афғонистон. Революция давом этади» кенг метражли ҳужжатли фильмини яратди. Бу фильм Москва, Қобул, Тошкент ва бошқа шаҳарларнинг экранларида кўрсатилди. Кейин авторлар ва оператсрлар коллективи кенгайтирилиб, М. Қаюмов раҳбарлигида янги, улкан фильм суратга олина бошланди. 1981 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган «Афғонистон. Революция давом этади» тўла метражли ҳужжатли фильми кўп миллатли совет кино санъатимизда халқаро мавзуларда асар яратиш соҳасида катта воқеа бўлди.

Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, бутун ҳаётини жонажон Коммунистик партия ишига, халқ ишига бағишлаб келаётган жанговар санъаткор Малик Қаюмовнинг ижодий йўли сермазмун, баракали, илҳомбахшдир. У етмиш ёшга кирди, аммо бир нафас тиними йўқ: тонгдан тунгача меҳнату ижод ила банд.

Ҳамид ҒУЛОМ,
Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати.

Суратда: Малик Қаюмов иш устида.
Р. Шагаев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Узбекистон ССР «ГОССТРОЙ»И ШАҲАРЛАР ҚУРИЛИШИ БУЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИ
(УзНИИПградостроительства)
секторлар ва лабораториялар бўйича
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: аҳолини жойлаштириш ва районни планлаштириш, рекрацион система, шаҳарлар, саноат корхоналари территориялари ва транспорт реконструкцияси, жамоат марказларини планлаштириш ва хизмат кўрсатиш проблемалари, экспериментал татбиқ этиш, шаҳарлар қурилишида архитектуравий-бадиий проблемалар, инженерлик ускуналари проблемалари, шаҳарлар қурилиши экономикаси, атроф муҳитни муҳофаза қилиш проблемалари;

каттэ илмий ходимлар: аҳолини жойлаштириш ва районни планлаштириш (2 ўрин), шаҳарлар, саноат корхоналарининг территориялари ва транспорт реконструкцияси (3), жамоат марказларини планлаштириш ва хизмат кўрсатиш проблемаси, экспериментал татбиқ этиш, шаҳарлар қурилишида архитектуравий-бадиий проблема, инженерлик ускуналарининг проблемаси (3), шаҳарлар қурилиши экономикаси, атроф муҳитни муҳофаза қилиш проблемаси;

кичик илмий ходимлар: аҳолини жойлаштириш ва районни планлаштириш (2), рекрацион системалар, саноат корхоналари территориялари ва транспорт, шаҳарлар қурилишида архитектуравий-бадиий проблемалар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш проблемаси.

Конкурсда фан доктори ёки кандидати илмий даражасига эга бўлганлар ҳамда илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларида катта иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар қатнашишлари мумкин.

КОНКУРС МУДДАТИ — 30 АПРЕЛГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй, илмий секретарь. Телефон 44-45-92.

БЕКОБОД ШАҲРИДАГИ 99-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1982—1983 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

аёлларнинг енгил қўйлаклари ва устки кийимлари, эркакларнинг устки кийимларини бичувчилар: сартарошлар, якка буюртма бўйича пойабзал тикувчилар, радиотелемеханиклар.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 3 йил.

Билим юртини тугатган ўқувчиларга ўрта маълумот ҳақидаги диплом топширилиб, 3—4 разряд ихтисоси берилади.

Ўрта маълумотли йигит ва қизлар билим юртига аёлларнинг енгил кийимлари бичиқчиси ихтисоси бўйича қабул қилинадилар. Ўқиш муддати — 1 йил; бичиш-тикиш малакасини эгалловчи бичиқчи ихтисоси бўйича — ўқиш муддати — 2.5 йил; кенг профилдаги сартарош ихтисоси бўйича — ўқиш муддати — 2 йил.

Билим юртидаги ўқиш даври доимий меҳнат стажига киради.

Барча ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, кийим-бош, бошқа шаҳарлардан келганлар — ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 сентябрдан бошланади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: билим юрти директора номига ариза, автобиография, туғилгани ва маълумоти (асл нусхаси) ҳақидаги ҳужжатлар, яшаш жойидан справка, 6 та фотосурат (3х4 см, ҳажмида), характеристика, шаҳар (район) маиший хизмат комбинатининг йўлланмаси.

Билим юртининг адреси: Тошкент области, Бекобод шаҳри, Касалхона шаҳарчаси (5-автобуснинг «Шаҳар касалхонаси» бекати). Телефонлар: 49-09, 49-88.

Тошкент тўқимачилик комбинати базасидаги
85-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

тўқувчи, йигирувчи, хом ип тайёрловчи, калаваловчи,
Ўқиш муддати — 1 йил.

Ўқишга қабул қилинганлар ойига 70 сўм стипендия, чуночи ишлаб чиқариш практикаси вақтида ишлаб топган пулнинг 50 процентини оладилар.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш даври умумий ишлаб чиқариш стажига киради.

Умумий таълим мактабини тугатмаганлар билим юрти ҳузуридаги кечки сменали мактабда ўқишни давом эттирадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ва аттестат бўйича 10-синф учун ўртача 4,5 ўтиш баллига эга бўлганлар олий ўқув юртлари ва техникумларга киришда алоҳида ҳуқуқдан фойдаланадилар, шунингдек уларга ўрта ва олий ўқув юртларининг кундузги, сиртқи ва кечки бўлимларига кириб ўқишлари учун йўлланма берилади.

Олий ўқув юртларига кирувчилар учун бепул тайёрлов курслари ташкил қилинган.

Билим юртида спорт базаси мавжуд, «Текстильщик» стадиони базасида узуш секцияси ташкил этилган, бичиш ва тикиш, фото тўгараклари, вокаль-чолғу ансамбли ишлаб турибди.

МАШҒУЛОТЛАР группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур: ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, 6 та фотосурат (3х4 см, ҳажмида), саломатлиги ҳақидаги справка (286-форма).

Аризалар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй.

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг
БИООРГАНИК ХИМИЯ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Микромолекулалар химияси ва физикаси **мудири;**

кичик илмий ходимлар: биоорганик химия, табиий ва физиологик актив моддалар химияси (полифенолдар лабораторияси бўйича), биохимия (тармоқ лабораторияси бўйича).

Конкурс муддати — 12 ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700143, Тошкент шаҳри, 143-алоқа бўлими. М. Горький проспекти, 83-уй.

Наманган «ОБЛШВЕЙБИТ» бирлашмасига қарашли
ТЕАТР ЦЕХИ
артистлар учун ҳамма турдаги костюмлар ва қўйлакларни тикиб беришга

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртмалар пул ўтказиш ёки нақд пул тўлаш йўли билан қабул қилинади.

Адрес: Наманган область, Наманган шаҳар, Маргилон кўчаси, «Шодлик» ателъеси. Телефонлар: 6-69-65, 6-64-50.

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг
СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Магнитли ионосферали станция билан геофизик методлар лабораториясининг катта илмий ходимлари (2 ўрин).
вакант вазифаларига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 17 ой.

Мурожаат учун адрес: 700128, Тошкент шаҳри, 128-алоқа бўлими. Марказ-12, Хуршид кўчаси, 3-уй. Телефонлар 41-38-41, 41-43-44.

ТОШКЕНТ ТЕХНИКА УЙИДА

«Ердамчи ишлаб чиқаришни механизациялаш бўйича мамлакатимиз корхоналарининг тажрибаси» деган мавзуда

КЎРГАЗМА ИШЛАМОҚДА

Кўргазма илмий-техника жамиятининг 30 та техника уйи материаллари бўйича ташкил этилган.

Адрес: 700047, Тошкент шаҳри, 47-алоқа бўлими, Ленинград кўчаси, 48-уй.

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА
СИРТҚИ АСПИРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КПСС тарихи, герман ва роман тиллари, чет тили таълими методикаси.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 15 МАЙДАН БОШЛАНАДИ.

Аспирантурага қабул қоидаларига мувофиқ расмийлаштирилган шахсий дело ва танлаган ихтисоси бўйича реферат қуйидаги адресга юборилсин: 700115. Тошкент шаҳри, 115-алоқа бўлими. Муқимий кўчаси, 104-уй. Аспирантура бўлими.

УРТА ОСИЁ РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
конларни очиқ ҳолда ишлаш лабораториясининг катта илмий ходими
вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда қатнашиш учун фан докторлари ва кандидатлари, шунингдек конларни очиқ ҳолда ишлаш технологияси бўйича иш тажрибаси бўлган юқори малакали мутахассислар таклиф қилинадилар.

Конкурс муддати — 18 майгача.

Ҳужжатлар конкурс шартларига асосан институт директори номига қуйидаги адресга юборилсин: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 59-уй.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича
ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР СОСТАВИДАГИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

жисмоний тарбия кафедраси мудири;

чет эл студентлари учун рус тили ўқитувчиси.

КОНКУРС МУДДАТИ—ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Қориниёзий кўчаси, 39-уй, кадрлар бўлими.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
1982—1983 ўқув йили учун
СИРТҚИ БЎЛИМГА
қуйидаги ихтисосликлар бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, тарих, ҳуқуқшунослик ва география.

АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 2 ПОТОКДА УТКАЗИЛАДИ: биринчи потон — 1—20 июнда, 2-потон 8—25 августда.

Справкалар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, 95-алоқа бўлими, Студентлар шаҳарчаси, сиртқи бўлим қабул комиссияси.

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг
ПОЛИМЕРЛАР ХИМИЯСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория қичик илмий ходимлари: мономерлар синтези, полимерларнинг аналитик химияси, тадқиқотлашнинг физик-химик методлари.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Мурожаат учун адрес: 700074, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 74-уй.

ОҲАНГАРОН НОН МАҲСУЛОТЛАРИ КОМБИНАТИГА
бош бухгалтер, бош бухгалтер ўринбосари
КЕРАК

Қабул қилинганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Иш жойига бориш ҳақи тўланади.

Мурожаат учун адрес: Ўзбекистон ССР Тошкент область Оҳангарон шаҳри.

Малик ҚАЮМОВ 70 ёшда

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/IVда **Ҳар тўнисда бир айб**, 24/IVда **Кузнинг биринчи куни**, 25/IVда **Кузнинг биринчи куни.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 23/IVда **Гулсара**, 24/IVда **Заҳар ичган даъвогар**, 25/IVда **Хотинимнинг эри.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/IVда **Отасининг қизи**, 24/IVда **Тақдир эшиги**, 25/IVда **Баланд дорга осилма.**

ҚУЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ!

ЁНҒОҚЗОРЛАРНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

Ёнғоқ қадимий шифобахш дарахт турларидан бири. Селекционер ва боғбонларнинг кўп йиллик ижодий изланишлари натижасида сўнгги йилларда ёнғоқнинг тезпишар серҳосил навлари яратилди. Кўпгина жойларда ёнғоқзорлар ташкил этиляпти. Ана шулардан бири — Арслонбоб ёнғоқзорларидир. Бу ердаги ёнғоқзорларда йилига минглаб меҳнаткашлар дам олишади. Аҳоли дастурхонига тонна-тонна шифобахш несъмат етказиб берилади.

Серқуёш республикамиз тоғ зоналарида ҳам ёнғоқзорлар ташкил этишга киришилган. Хисор, Зарафшон, Қурама, Чотқол, Угом, Пскон тоғлари ва унинг этакларидаги ёнғоқзорлар киши баҳри-дилини очади. Кейинги йилларда бу ерларда кўплаб ёнғоқ кўчатлари ўқазилаётир. Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-текшириш институтининг Чоткол тоғ станциясида йил сайин кўплаб ёнғоқ кўчатлари етиштирилаётир.

Ёнғоқларни кўпайтиришнинг резервларидан бири бу дарахтни томорқа, ўйл четлари, ариқ, анҳор, канал бўйлари, мактабларнинг ер участкаларига кўплаб экишдир. Бундан ташқари, кенг пахтазорларни ёнғоқлар билан ихоталаш эл дастурхонини тўкин қилиш билан бир каторда, пахта ҳосилдорлигини янада оширишга самарали таъсир кўрсатади.

Чунки ёнғоқ дарахти кўп йиллик, сершох ва баланд бўйли бўлиб, табиий офатларни қайтаришда анча қулайдир. Бундан ташқари, ёнғоқ ғўзани турли ҳашарот ва зараркунандалардан қўрайди. Илмий-тадқиқот натижаларига кўра ёнғоқ билан ихота қилинган пахтазорларда, бошқа дарахтлар билан тўсилган ёки бутунлай ихоталанмаганига қараганда 10—12 центнер кўп ҳосил олишга эришилмоқда.

Пахтазорларни ёнғоқ билан ихоталашда кўчат асосан ҳар ўн метр масофага экилади. Бунда ҳар гектар ер ҳисобига 10 талан кўчат тўғри келади. Ихота янада самарали бўлиши учун ёнғоқ дарахти ораларига тут ўтказиш тавсия этилади. Демак, ўрта ҳисобда 1000 гектар ери бўлган хўжаликда 10 минг тўп ёнғоқ ва 10 минг тўп тут кўчатлари ўтказиш имконияти бор.

Биз ихота учун эртаки, серҳосил Мичурин, Навоий, Улуғбек, Нодир, Беруний ёнғоқ навларини тавсия қиламиз. Бу навлар шароитга тез мослашади. Агротехникасига яхши амал қилинганда 3—4 йилда ҳосил беради. Бу ўз навбатида халкимиз дастурхонини сервитамин, тансик мева билан кўпроқ таъминлаш билан бир каторда, хўжаликларнинг рентабеллигига ҳам баракали таъсир кўрсатади.

М. ТУЙЧИЕВ,
табиатшунос.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АХБОРОТ

СОҒЛОМЛАШТИРИШ КОМПЛЕКСИ

Урганч шаҳрининг шимолий зонасида спорт-соғломлаштириш комплекси бунёд этилмоқда. Қурилиш ташкилотлари ёрдами ва халк қашари йўли билан қурилаётган бу комплекс 25 минг кишилик стадион, сузиш ҳавзаси, теннис майдони, гиббий-профилактика ва савдо тармоклари, ресторан, меҳмонхона ва бошка объектларни ўз ичига олади. Комплекс қурилишига 8,5 миллион сўм маблағ ажратилган.

Спорт-соғломлаштириш комплекси СССР 60 йиллиги шарафига «юбилей объекти» деб ном олганлиги бежиз эмас. У — шу йил ишга туширилади. Бу ерда областнинг шаҳар ва районларидан келган пудратчи бригадалар, меъморчилик санъати усталари меҳнат қилмоқдалар. Комплексни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун социалистик мусобака кун сайин кенг қулоч ёйиб, ишлар тобора жадаллашяпти.

ГРАФИКДАН УЗИБ

Бўз районидаги Энгельс номли колхоз чорвадорлари ҳовли тўйлари ўтказдилар. Улар «Андижанобласткомстрой» трести Бўз колхозлараро механизациялашган кўчма колоннасининг коллективи хўжалик фермаси якинида қурган шинам уйларга кўчиб кирдилар. Уй хайвонлари ва паррандалар учун иморатлари, томорка участкалари бўлган олти хонали коттежлар чорвадорларга манзур бўлди. Абдуманнон Кимсанов ва Тошбой Охунов бошлик комплекс қурилиш бригадаларининг аъзолари уй-жой қуришни муддатидан икки ой илгари тамомладилар.

Бу йил қурувчилар колхозда 140 ўринли болалар боғчаси, олтита темир-бетон кўприк қуриш мажбуриятини олдилар.

ҚУШИМЧА КАСБ

Наманган давлат педагогика институтининг кўпгина юқори курс студентлари ишлаб чиқариш практикасидан ўтганларидан сўнг юкори разряддаги мастер бўлдилар. «Узавтотехобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари коллективларининг гавсиясига биноан бўлғуси муаллимларга авторемонтчи слесарь малакаси берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар топширилди. Бу ерда олий ўқув юртининг элликтадан кўп студенти шу касбни эгаллади.

ДАМ ОЛИШ ЗОНАЛАРИ

Шу кўклам Қарши чўлидаги ўттизта янги хўжаликда ямяшил дам олиш зоналари пайдо бўлади. Бу ерда боғ, киебон ва парклар барпо этила бошланди. Уч минг гектар майдонга мевали дарахт ва манзарали дарахт, бута кўчатлари ўтказилди. Беш йиллик охиригача Қашкадарё областидаги ҳамма кўрик ер хўжаликларини кўкламзорлаштириш мўлжалланади.

СПОРТ

ШАШКА:

УСМИРЛАР ЎРТАСИДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГИ УЧУН КУРАШ

Тошкентдаги «Искра» кинотеатрида жаҳон чемпионлиги учун қўшимча мусобақада куч синашувчи харьковлик Вадим Вирний билан ленинградлик армиячи Александр Дибман учрашувининг бошланишига бағишланган тантанали маросим бўлди. Бўлажак чемпионларни мусобакага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилот комитетининг раиси Х. Ёқубжонова табриклаб, уларга муваффақиятлар тилади. Пионер-ўқувчилар шашкачиларга гуллар тақдим этишди. Шундан кейин ҳар иккала шашкачи дастлабки баҳсни ўтказиш учун ўзаро дона сурдилар. Қора донолар билан ўйнаган В. Вирний кўп ўтмай, мавкеини мустаҳкамлашга эришди. Муваффақият козонишга харакат қилган А. Дибман эса хужумкорликка зўр бериб, хатога йўл қўйди. Оқибатда В. Вирний 1:0 зафар қучди.

Иккинчи учрашувда ҳам А. Дибманнинг вакти тугаб, яна имкониятни бой берди. Энди В. Вирний чемпион бўлиши учун яна бир очко керак.

Б. КАНИШЧИКЕР,
мусобақа бош судьяси.

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.50 — Цемент. Бадиий фильм. 1—2-сериялар. 12.00 — Ўзбекистон ССР фольклор ансамблининг концерти. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Илмий-оммабоп фильм. 15.40 — Рус тили. 16.10 — Самбо бўйича Европа чемпионати. 16.45 — Москва ва москвиликлар. 17.15 — Шахмат мактаби. 17.45 — Мультфильм. 18.35 — Ишлар адреслари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Қўшиклар. 20.00 — Польшанинг оғир дамлари. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.55 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 13.10 — Совет тасвирий санъатида В. И. Ленин образи. 10.05 ва 12.05 — Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 — Тарих. 11.05 ва 14.55 — Р. Гамзатов лирикаси. 12.40 ва 13.40 — Б. Н. Полевой. Чин инсон ҳақида қисса. 14.10 — Звездочат. 15.25 — Астрономия. 15.55 — Тарих. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 20.00 — Бригаликда, аҳил оиламиз. 20.30 — Ҳайрли тун, қичқинтойлар. 20.45 — Арманистон Давлат камер оркестри чалади. 21.30 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Шимол варианти. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Рус адабиёти. 12.00 — До-ре-ми-фа-соль. 12.30 — Рус адабиёти. 18.05 — Мен, сен ва мультик. 18.45 — Ишлик. 19.00 — Илмий-оммабоп программа. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Шаҳар узра ҳайкаллар. 20.00 — Анъаналар ва замонавийлик. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.00 — Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.05 — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентда бўлиши ва Ўзбекистонга Ленин ордени топширилишига бағишланган телевидеофильм премьераси. Сўнгра, Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Она тили. 18.40 — Театр ва замон. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Ҳуқуқ ва тартиботни қўриқлаш — умумий ишимиз. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БУГУН

8.30 — Концерт. 9.30 — Совет Ўзбекистони. 11.15 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига 11.25 — Композитор Ф. Алимов ижодхонасида. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 19.25 — Оркестр ижроси учун пьесалар. 21.15 — Қишлоқ хўжалик ходимларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Бугун радиотеатрда.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 14

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Қурҳондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02917. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Ме